

«CENTRAL ASIA – 2017: ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА БИЗНЕСДА ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ» XI ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ



XI ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИНING ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

2017 йил 26 апрель
куни Алишер
Навоий номидаги
Наманган вилоят
драма ва комедия
театри биносида
Central Asia – 2017»
«Фан, таълим,
маданият ва
бизнесда интернет
ва ахборот-кутубхона
ресурслари»
XI Халқаро
конференциясининг
тантанали очилиш
маросими
бўлиб ўтди

2017 йил 26 апрель куни Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят драма ва комедия театри биносида «Central Asia – 2017: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XI Халқаро конференциясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда конференция ташкилотчилари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳамда ахборот-кутубхона мутахассислари қатнашдилар.


Тадбирни очиқ деб эълон қилар экан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори вазифасини бажарувчи У.Тешабоева қатнашчиларини қутлади ва конференциянинг ўз олдига қўйган мақсади, ахборот-кутубхона соҳаси мутахассислари фаолиятидаги аҳамияти, бу галги конференциянинг аввалгиларидан фарқи ва ундан қутилаётган натижалар билан таништирди. «Мазкур конференция нафақат фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот-ресурсларини ривожлантириш ва қўллашда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарали ҳамкорлигини кучайтиришига, балки Президентимиз томонидан 2017 йил 12

январда қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашадиган мулоқот майдончаси вазифасини ўташига ишонамиз» – деди.

Конференциянинг тантанали очилиш маросимида Наманган вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Маткаримов, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти вакили Н.Гендина, Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Отақўзиев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси директори Ф.Болкуновалар сўзга чиқиб, анжуманнинг айни кунларда долзарблигини таъкидладилар, унинг ижобий натижаларига умид билдирдилар ва иштирокчиларни маърифат ва зиё байрами билан қутладилар.

Театр ҳовлисида Наманган вилояти ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ташкил этилган китоблар, театр фойесидида эса, Республика нашриётларининг китоб маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Китоб кўргазмасида янги нашр этилган маҳсулотлар – болалар китоблари, журналлар, энциклопедия ва луғатлар, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётлар намоиш этилди.






Мария Стегаева, Б.Н. Ельцин номидаги Президент кутубхонаси Ахборот-ресурсларини шакллантириш ва ишлов бериш бўлими бошлиғи ўринбосари



Галина Райкова, Россия Давлат кутубхонасининг бўлими бошлиғи, Евроосиё Кутубхоначилик Ассамблеясининг Бош директори, педагогика фанлари номзоди



Андрей Гуськов, Россия Фанлар академияси Сибир бўлимининг давлат оммавий илмий-техника кутубхонаси директори

Конференциянинг ялпи мажлисида Евроосиё Кутубхоначилик Ассамблеяси Бош директори Г.Райкова «Россияда мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Миллий дастури», Германия Кутубхоначилик Ассоциацияси раиси Ф.Редис «Германия Кутубхона Ассоциацияларининг кутубхоначилик соҳасида таълим ва ўқитишга қўшган ҳиссаси», Кемерово давлат маданият институтининг ижтимоий соҳа ахборот технологиялари илмий-тадқиқот институти директори Н.Гендина «ЮНЕСКОнинг медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича ўқув дастури: Россия ва Ўзбекистонда мослаштириш тажрибасидан», Россия Фанлар академияси Сибир бўлимининг давлат оммавий илмий-техника кутубхонаси директори А.Гуськов «Россия Фанлар академияси Сибир бўлимининг давлат оммавий илмий-техника кутубхонаси: ахборот ва ислохотлар асрида илмий кутубхона», Германия Кутубхоначилик Ассоциацияси раиси ўринбосари В.Штейер «Берлин полиция кутубхонаси 160 ёшда. Анъанавий қироатхонадан рақамлаштирилган полиция кутубхонасигача», Б.Н. Ельцин номидаги Президент кутубхонаси Ахборот-ресурсларини шакллантириш ва ишлов бериш бўлими бошлиғи ўринбосари М.Стегаева «Кутубхоналарнинг электрон каталогда музей буюмларининг намоиши: (Б.Н. Ельцин номидаги Президент кутубхонаси мисолида)», Евроосиё Кутубхоначилик Ассамблеяси ижрочи директори М.Нерюева «Евроосиё Кутубхоначилик Ассамблеяси лойиҳавий фаолиятида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг иштироки» мавзуларида маърузалар билан иштирок этдилар.

Конференциянинг ялпи мажлиси доирасида «Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда ҳамкорлик масалалари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори вазифасини бажарувчи У.Теша-

боева «Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона муассасалари: китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилишда ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятлари» ва Наманган вилояти ахборот ва матбуот бошқармаси бошлиғи З.Мансуровнинг Ўзбекистонда китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатишда нашриётларнинг ўрни ва аҳамияти, Республика маънавият тарғибот маркази директори ўринбосари Н.Дехқоновнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган маърузалари тингланди.

Давра суҳбати якунида келажакда Ўзбекистонда ахборот-кутубхона соҳасини такомиллаштирувчи тегишли қарорлар қабул қилинди.

XI ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ДОИРАСИДА СЕКЦИЯ ЙИГИЛИШЛАРИ

БИРИНЧИ СЕКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

27 апрель куни Нодира номидаги Наманган вилоят АКМ биносида XI Халқаро конференция доирасида республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун шўъба йиғилишлари, семинар, маҳорат дарси ва ўқув тренинглари бўлиб ўтди.

Китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғибот қилишда ахборот-кутубхона муассасалари, нашриётлар ва ОАВ ҳамкорлиги масалаларига бағишланган I шўъба йиғилишида вилоятлар ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари ҳамда нашриётлар вакиллари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Шўъба йиғилишида ахборот-кутубхона муассасаларида китобхонларнинг ўқиш маданиятини шакллантириш, аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб этиш шакллари, ►

Конференциянинг ялпи мажлисида Евроосиё Кутубхоначилик Ассамблеяси Бош директори Г.Райкова «Россияда мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Миллий дастури» мавзуси билан иштирок этди

27 апрель куни Нодира номидаги Наманган вилоят Ахборот-кутубхона маркази биносида XI Халқаро конференция доирасида республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун шўъба йиғилишлари, семинар, маҳорат дарси ва ўқув тренинглари бўлиб ўтди

I шўба йиғилиши китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғибот қилишда ахборот-кутубхона муассасалари, нашриётлар ва ОАВ ҳамкорлиги масалаларига бағишланди

II шўба йиғилиши «Фан ва таълим ривожидида ахборот-кутубхона фаолиятининг аҳамияти» мавзусига бағишланди

III шўба йиғилиши маданият ва санъат соҳасида ягона ахборот макони. Ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриётлар, архивлар ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлиги мавзусига бағишланди

ахборот-технологиялари асрида ёшлар орасида анъанавий нашр турларини тарғиб қилиш, ёшлар тарбиясида ахборот-ресурс марказининг ўрни каби масалалар, китоб мутолааси ва китоб ўқиш маданияти самарадорлигини ошириш ва ахборот-кутубхона фаолиятида китобхонлик маданиятини шакллантириш омиллари муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчилар мактаб ахборот-ресурс марказлари фаолияти ва ўқувчиларда китобхонлик мутолаасининг ривожлантириш усуллари ва ахборот-кутубхона муассасаларида нашриёт ва ОАВ билан китобхонлик маданиятини оширишдаги тарғибот ишлари хусусида фикр алмашдилар.

ИККИНЧИ СЕКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

II шўба йиғилиши «Фан ва таълим ривожидида ахборот-кутубхона фаолиятининг аҳамияти» мавзусига бағишланган бўлиб, унда АКМ ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш ва унинг янги шакллари, ахборот-кутубхона муассасаларида маркетинг фаолиятини ривожлантириш, АКМларида ўлкашунослик библиографиясини юритиш тўғрисида маърузалар тингланди. Академикларга бағишланган адабий-бадиий библиографиялар, библиографик кўрсаткич тайёрлаш босқичлари ва янги инновацион услубларни шакллантиришда кутубхона ўқиш залларининг функционал аҳамиятига бағишланган маърузалар тингловчиларнинг алоҳида эътиборини қозонди.

УЧИНЧИ СЕКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Маданият ва санъат соҳасида ягона ахборот макони. АКМларнинг нашриётлар, архивлар ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлиги мавзусига бағишланган III шўба йиғилишида мутахассислар Мустақиллик йилларида архившунос мутахассисларни тайёрлаш масалалари, ахборот-кутубхона соҳасида етакчи нашр – «INFOLIB» журнали ва «Садои Фарғо-

на» газетаси ҳақида батафсил маълумот олдилар. Шўба йиғилишида, шунингдек, архив фондларининг марказлашган давлат ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди Давлат каталогининг автоматлаштирилган ахборот тизимининг аҳамияти ва Ўрта Осиёнинг Ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда электрон ахборот-ресурсларининг ўрнига алоҳида тўхталди.

ТЎРТИНЧИ СЕКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

IV шўба йиғилишида автоматлаштирилган ахборот-кутубхоначилик тизимлари ва технологияларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Секция иштирокчиларига ахборот-кутубхона жараёнларини оптималлаштиришда Ўзбекистон Республикаси йиғма электрон каталогининг ўрни, Ахборот-кутубхона муассасаларида фойдаланувчиларга интерактив методларни қўллаш орқали самарали хизмат кўрсатиш усуллари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тажрибасида рақамли ресурсларни каталоглаштириш, ахборот-кутубхона амалиётига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, Фарғона вилояти АКМнинг электрон каталогини шакллантириш ва ахборот-кутубхона тармоқларида ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар муҳокама қилинди.

Конференция доирасида «Мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиасаводхонлик асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида семинар-тренинг, «Илмий тадқиқотларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва нашр этириш фаоллиги» мавзусида маҳорат дarsi, «EBSCO электрон маълумотлар базалари билан ишлаш асослари» мавзусида тренинг ҳамда «Ўзбекистон Республикаси йиғма электрон каталогини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни» ва «UZ-MARC» форматида ахборот-кутубхона ре-



Абдусалом Умаров,
Социология фанлари доктори, профессор





сурсларини каталоглаштириш» мавзуларида ўқув тренинглари ташкил этилди.

Шўъба йиғилишлари ва амалий семинарлар якунида уларнинг натижаларига кўра, энг яхши маърузачи ва энг фаол машғулот қатнашчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди ва уларга сертификатлар топширилди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

XI Халқаро конференция доирасида Республика йиғма электрон каталог маркази томонидан «Йиғма электрон каталог сиз учун очик» амалий ўқув тренинг ўтказилди.

Тренингнинг биринчи қисмида «Республика йиғма электрон каталог маркази фаолиятининг 2012 – 2017 йиллардаги статистик маълумотлари», «Жаҳонда етакчи кутубхоналар қидирув тизимлари», Йиғма каталогларни кутубхоналарда пайдо бўлиши, тарихи, ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган Йиғма каталог марказлари ва уларнинг иш фаолияти билан таништирилди. Шунингдек, «Библиография – маълумотлар уммони», библиография тушунчасига урғу берилиб, ҳозирги кунгача бўлган жараёнларни, «библиограф», «библиография» атамаларининг ўрни ҳақида ахборот берди.

Тренингнинг иккинчи қисмида амалий машғулотлар ўтказилди.

Биринчи амалий машғулот: Республика йиғма электрон каталог мутахассислари иштирокчиларга онлайн тарзда «Йиғма электрон каталог» – unicat.natlib.uz онлайн дастуридан фойдаланиш ўргатилди ва фойдаланиш қўлланмаси тарқатилди.

Иккинчи амалий машғулот: Библиографик ёзувни ISBD (ISBD – International Standard Bibliographic Description – библиографик ёзувларнинг халқаро тавсифи) шаклида кўринишини яратиб бериш: Ҳар бир иштирокчига ҳар хил кўринишдаги библиографик ёзувлар қоғоз шаклида тақдим этилди. ЙЭК дастури бўйича билим ва

кўникмаларни текшириш учун тест олинди.

Тест саволлари 24 та бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб учун 5 балли система қўлланилди, 75 баллдан юқори натижалар сертификат билан тақдирланди.

Яна бир семинар-тренинг «Ахборот-кутубхона ресурсларини «UZMARC» форматида каталоглаштириш» мавзусида бўлиб ўтди. Тақдимот маросими давомида иштирокчилар «UZMARC» машинада ўқиладиган формат асосида библиографик маълумотларни яратиш ва ташкил қилиш фаолиятини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш орқали фойдаланувчиларга тақдим этиш, каталоглаштиришга оид давлат стандартлари билан танишди. «UZMARC» машинада ўқиладиган формат асосида библиографик ёзувларни яратишда стандартларга амал қилган ҳолда тузиш кераклиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Семинар-тренингда электрон каталог майдонлари, майдон ости, белгилар, ёзув маркери, индикатор ҳамда майдон идентификаторлари каби тушунчалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Навбатдаги семинар-тренинг «Мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлиги асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари»га бағишланди.

«Ахборот-кутубхона соҳаси мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлигини шакллантириш ва ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Кемерово давлат маданият институтининг ижтимоий соҳа илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор, ЮНЕСКОнинг медиа-ахборот саводхонлиги бўйича эксперти Н. Гендина, «Мактаб ўқувчисининг ахборот маданияти» ўқув-методик мажмуаси ҳаммуаллифи, педагогика фанлари номзоди Е. Косолопова, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-методик ва тадқиқот хизмати раҳбари В. Полякова томонидан ўтказилди. ▶

XI Халқаро конференция доирасида Республика йиғма электрон каталог маркази томонидан «Йиғма электрон каталог сиз учун очик» амалий ўқув тренинг ўтказилди

«Ахборот-кутубхона ресурсларини UZMARC форматида каталоглаштириш» мавзусида ўқув семинар-тренинги бўлиб ўтди

«Мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлиги асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари» семинар-тренинги бўлиб ўтди



Семинар-тренингда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди. Семинар-тренингда мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлиги асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот ва тавсиялар берилди, шунингдек, «Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш» лойиҳаси натижалари таҳлил қилинди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчилар ўртасида «Мактаб кутубхонаси ишига «Мактаб ўқувчисининг ахборот маданияти» ўқув-методик мажмуани жорий қилиш» бўйича мунозара бўлиб ўтди. Мутахассислар ўзаро фикр алмашишди ва мактаб кутубхоналарида ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлиги бўйича машғулотларни жорий қилиш бўйича тавсиялар олишди.

XI ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ:

а) меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ахборот-кутубхона муассасаларида янги ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича:

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика методик кенгаши ўзининг тасарруфида ахборот-кутубхона муассасалари бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралар (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқ.), шунингдек, «Ўзархив» агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги қуйидаги масалаларни ўрганиб чиқиши ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришда ўзларининг асосий вазифаларида билишларини:

- «Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси, «Ахборот-кутубхона мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланган рақамлаштирилган





босма ахборот-кутубхона ресурсларига тегишли муаллифлик ҳуқуқларини тартибга солиш мақсадида ўзгартишлар киритиш;

- республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, кутубхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш;

- «Ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳақида Низомни тасдиқлаш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамага киритиш;

- ахборот-кутубхона фондларини ўз вақтида хатловдан ўтказиш ва сақлаш масалаларида меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида «Ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида» ва «Ахборот-кутубхона муассасалари фондидан ахборот-кутубхона ресурсларини чиқариш тартиби тўғрисида» йўриқномалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган тартибда тасдиқлашга бериш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлигига буйруқ қабул қилишни юклатиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, хориж кутубхоналарида малака оширишларни ташкил этиш бўйича идоралараро қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (асос: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида», 1-илова, 23-модда.)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ОАВ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ишчи гуруҳ раҳбари А.Арипов томонидан 2017 йил 10 мартда тасдиқланган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси



ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар Дастури»ни амалга ошириш доирасида:

- мутоллаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

- илмий адабиётга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш асосида ва республика илмий ва таълим муассасаларини ахборот билан таъминлаш мақсадида, жаҳоннинг етакчи компаниялари тўлиқ матнли маълумотлар базаларидан барча университет ва институтлар, илмий марказлар ва республиканинг етакчи ахборот-кутубхона муассасаларига фойдаланишни тақдим этиш ва республика ҳудудларида илмий-таълимий маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича махсус тренинглар ўтказишни назарга тутган ҳолда, ҳар йили мунтазам пул маблағларини ажратишни кўзда тутиш;

- ахборот хавфсизлиги ва шахснинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш масалалари бўйича ёшлар учун медиациклларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

- «Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш» лойиҳаси (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси) асосида амалга оширилаётган «Шахс ахборот маданияти асослари» ўқув-услубий мажмуасини юқори синф ўқувчилари, коллеж ва лицей ўқувчиларига мослаштириш бўйича чораларни қабул қилиш;

- Молия вазирлигидан бюджетда (ташкilot умумий бюджетининг 10%дан кам бўлмаган) харажатлар бандлари ва ажратилган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлигининг ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарида мақсадли фойдаланишни кўрсатиш билан алоҳида бандларни тасдиқлашни илтимос қилиш, бу илмий-таълимий адабиётларни олишда маблағ билан таъминлашнинг ошиши ва комплектлашга (китоб ва даврий нашрлар), анъанавий, электрон (етақчи хориж нашриётларининг таълимий электрон

маълумотлар базалари) ёрдам беради.

б) кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, касб нуфузини ошириш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига:

- Тошкент давлат санъат ва маданият институтида социология, психология, мутолаа маданияти, ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.з. бўйича ижтимоий ихтисосликлар ахборот-кутубхона факультетини очиш масалаларини ишлаб чиқиш;

- Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот-кутубхона муассасаларини автоматлаштириш, электрон кутубхоналар ва архивлар, илмий-техник ахборот маълумотлар базалари, корпоратив тармоқлар бўйича мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган (Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши бўйича) «Ахборот-кутубхона тизимлари» кафедрасини ривожлантириш масаласини ишлаб чиқиш;

- Тошкент ахборот технологиялари университети филиаллари (Қарши, Урганч, Самарқанд, Фарғона)да «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» кафедраларини очиш имкониятлари ва мувофиқ квоталарни ажратишни кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

- Тошкент ахборот технологиялари университети кўмагида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ҳудудий ахборот-кутубхона марказлари қошида ахборот-кутубхона мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-консультатив курсларини очиш ишларини олиб бориш;

- касб нуфузи ва касбга бўлган қизиқишини ошириш, АКТ кўникмаларини ўстириш, мутахассисларнинг ишга бўлган қизиқиши ва ишбилармонлик фазилатларини юқори даражага чиқариш мақсадида босқичма-босқич ишларни давом эттириш ва 2017 йил май-октябрь ойларида ахборот-кутубхона мутахассисларининг «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2017» танловини ўтказиши;

- кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳасида, шунингдек, ахборот-кутубхона жараёнига янги ахборот технологияларини жорий қилишнинг технологик, педагогик ва психологик жиҳатлари билан боғлиқ соҳаларда тад-

қиқотлар ўтказилишини кенгайтириш.

в) ахборот-кутубхона ҳамкорлиги ва айирбошлаш бўйича:

Вилоят ҳокимиятлари Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг худудий органлари:

- Вилоятларда фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни оптималлаштириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаларининг биноларини номуносиб жойларга кўчиришни тўхтатиш.

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига олий ўқув юртларида ҳимоя қилинган бакалавр ва магистрларнинг битирув малагавий ишлари (электрон шаклда) Ўзбекистон Миллий кутубхонаси диссертациялар базасини кенгайтириш ва фойдаланувчиларга илмий ва тадқиқот йўналишлари бўйича керакли ахборотларни тақдим қилиш имкониятларини кенгайтиришда кўмак беришини юклатиш;

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбеккино, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига ҳужжатли фильмлар, ахборот сюжетлари, билим ортириш учун хизмат қиладиган дастурлар ва бошқа Ўзбекистон Миллий кутубхонасида келажакда сақлаш ва оммалаштириш учун медиамаҳсулотларни сақлашнинг ягона серверини яратишни юклаш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Маҳалла» фонди:

- аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят ва туманларидаги янги очиладиган маҳаллаларда Интернетга уланган бир комплект жиҳозлар (компьютер, принтер) ажратиш ва ўрнатиш-

ни, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тақдим қиладиган турли йўналишдаги (дисклардаги 5 мингдан кам бўлмаган электрон китоблар) адабиётлар ва меъёрий хусусиятга эга (lex.uz, post.uzга ўхшаш) электрон маълумотлар базалари билан маҳалла кутубхоналари электрон фондини шакллантириш масалаларини ҳал қилишни «Маҳалла» фонди зиммасига юклатиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китоб алмашишни фаоллаштириш бўйича халқаро бирлашмалар, библиографик алмашиш ва хориж кутубхоналари билан тажриба алмашишни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш;

- Республиканинг барча ахборот-кутубхона муассасалари, «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институти ва бошқ., Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан ташкил қилинган «Жаҳон хотираси» ва «Ҳамма учун ахборот» дастурлари бўйича миллий комитетлар ишини фаоллаштириш;

Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари ҳолати ва фаолиятини кўрсатиб туривчи, бирламчи статистик маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш, статистик маълумотлардан кўп марталик фойдаланиш, маълумотларни кўп мезонли таҳлил қилиш ва кўриб туриш, статистик ҳисоботлар юзага келиши соzланган даражасини батафсил кўриш, фойдаланувчилар эҳтиёжларига мувофиқ, маълумотларни қатъий белгиланган тартибда тақдим қилиш мақсадида республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти мониторинги бўйича техник лойиҳани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. ■

26–27 апрель 2017 й. Наманган шаҳри

